ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 5 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

МАҲАЛЛАЛАРДА ХАВФСИЗ МУҲИТ ЯРАТИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА АМАЛИЁТ МУАММОЛАРИ

Курбанов Шерзод Мураткобилович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети катта ўқитувчиси,
ю.ф.ф.д. (PhD).

https://doi.org/10.5281/zenodo.24455273

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошланғич бўғини сифатида маҳалла институтининг роли тадқиқ қилинган. Президентнинг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сон қарори билан жорий этилган манзилли профилактика механизмлари, профилактика инспектори мақомининг такомиллаштирилиши ва маҳалла тизимидаги идоралараро ҳамкорлик масалалари таҳлил қилинган. «Синган деразалар» ва «жамоавий самарадорлик» назариялари асосида маҳалла даражасидаги профилактика самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *маҳалла, хавфсиз муҳит, ижтимоий профилактика, профилактика инспектори, криминоген вазият, жамоатчилик билан ҳамкорлик, барвақт профилактика.*

Аннотация. *В статье исследуется роль института махалли как первичного звена профилактики правонарушений в Узбекистане. Анализируются механизмы адресной профилактики, введённые Постановлением Президента ПП–1 от 3 января 2025 года, статус инспектора профилактики и вопросы межведомственного взаимодействия; выдвинуты предложения по повышению эффективности профилактики на уровне махалли.*

Ключевые слова: *махалля, безопасная среда, социальная профилактика, инспектор профилактики, криминогенная обстановка.*

Abstract. *The article studies the role of the mahalla as the primary level of offence prevention in Uzbekistan. It analyses the targeted prevention mechanisms introduced by Presidential Resolution PQ–1 of 3 January 2025, the status of the prevention inspector and inter-agency cooperation, and proposes measures to improve neighbourhood-level prevention.*

Keywords: *mahalla, safe environment, social prevention, prevention inspector, community policing.*

Кириш

Ўзбекистонда маҳалла асрлар давомида ижтимоий назорат, ўзаро ёрдам ва тарбия маскани бўлиб келган. Бугунги кунда у давлат ижтимоий сиёсати ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг бошланғич бўғинига айланди. Жиноятчиликни келтириб чиқарувчи омилларнинг аксарияти – оилавий низолар, ишсизлик, ёшлар бандлигининг таъминланмаганлиги, спиртли ичимликлар ва гиёҳвандликка мойиллик – айнан маҳалла даражасида шаклланади ва шу ерда энг аввал кўзга ташланади.

Шу боис сўнгги йилларда давлат профилактика сиёсатининг маркази маҳаллага кўчирилди. Президентнинг 2025 йил 3 январдаги «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими

самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1-сон қарори бу йўналишдаги тизимли ислоҳотларнинг негизини ташкил этди [1; 2]. Кейинги норматив ҳужжатда мазкур қарор ижроси натижасида маҳаллаларда жиноятчилик қарийб 1,5 бараварга камайгани қайд этилиб, бу йўналишда яхлит ишлаш тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди [3].

Мақоланинг мақсади – маҳалла даражасидаги профилактика механизмларининг ҳуқуқий табиатини очиб бериш, уларнинг амалий самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш йўлларини асослашдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маҳалла даражасидаги профилактиканинг назарий асослари жаҳон криминологиясида атрофлича ишлаб чиқилган. Дж.К. Уилсон ва Дж.Л. Келлингнинг «синган деразалар» назариясига кўра, жамоат тартибининг кичик бузилишларига эътиборсизлик аста-секин оғирроқ ҳуқуқбузарликлар учун қулай муҳит яратади [4]. Р.Дж. Сэмпсон ва ҳаммуаллифлари эса «жамоавий самарадорлик» (collective efficacy) – қўшнилар ўртасидаги ўзаро ишонч ва жамоат тартиби учун аралашишга тайёрлик даражаси зўравонлик даражаси билан тескари боғлиқлигини эмпирик тарзда исботлаган [5]. Р. Троянович ва Б. Буккерокс ишлаб чиққан «жамоатчиликка йўналтирилган полиция» (community policing) концепцияси полиция ходимининг малакали ҳудудга доимий бириктирилиши ва аҳоли билан шериклик асосида ишлашини назарда тутади [6].

Ушбу назариялар Ўзбекистон амалиёти билан уйғун: профилактика инспекторининг маҳаллага бириктирилиши ва маҳалла тизимидаги масъул ходимларнинг ҳамкорликдаги фаолияти мазкур ёндашувларнинг миллий шакли сифатида қаралиши мумкин. Шу билан бирга, миллий тадқиқотларда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси соҳасида идоралараро ҳамкорлик, ваколатлар тақсимоти ва маҳалла кесимида барвақт олдини олишга оид ҳуқуқий бўшлиқлар сақланиб қолаётгани қайд этилган [7].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли таҳлил қилиш, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий ва функционал усуллардан фойдаланилди. Манба сифатида Президент қарорлари, қонунлар ҳамда расмий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар

1. Ҳуқуқий асослар. Маҳалла даражасидаги профилактиканинг ҳуқуқий тизими бир неча даражадан иборат. Биринчидан, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун (2014) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи орган ва муассасалар қаторида белгилайди.

Иккинчидан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун маҳалланинг жамоат тартибини сақлашдаги ваколатларини тартибга солади. Учинчидан, 2023 йилда қабул қилинган Конституцияда маҳалланинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги мақоми мустаҳкамланди.

ПҚ–1-сон қарор эса бу тизимга амалий механизмларни қўшди. Хусусан, жиноятчилик даражаси юқори бўлган маҳаллалар Миллий гвардия ва ички ишлар

органлари ходимларига бириктирилди [8], айрим маҳаллаларда камида биттадан «намунали хавфсиз кўча» ташкил этиш белгиланди [2]. Кейинги қарорда эса ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятга салбий таъсир этувчи омиллар билан ишлаш бўйича ҳар чораклик манзилли чора-тадбирларни белгилаш, уларнинг маҳалла – туман – вилоят даражасида ижроси учун масъул раҳбарларни бириктириш вазифаси қўйилди [3]. Шунингдек, оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳамда аёллар ва ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг асл омилларини илмий асосда таҳлил қилиш ва аҳоли мурожаатларига тезкор муносабат билдириш тизимини яратиш асосий мақсадлар сифатида белгиланди [3].

2. Профилактика инспектори мақомининг трансформацияси. Маҳалла даражасидаги профилактиканинг марказий фигураси – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторидир. Узоқ вақт давомида инспекторлар зиммасига профилактикага бевосита алоқаси бўлмаган кўплаб вазифалар юклангани уларнинг асосий фаолиятини сусайтирар эди. Сўнгги ислоҳотлар доирасида инспекторларни ортиқча вазифалардан озод этиш ва уларга айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларни бевосита кўриб чиқиш ва жазо қўллаш бўйича қўшимча ваколатлар бериш назарда тутилди; инспекторнинг хизмат вазифасини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик масаласи ҳам кўтарилди [9; 10]. Ички ишлар вазирлиги томонидан «Хизмат кўрсатган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори» йўналишининг алоҳида жорий этилиши ҳам бу лавозимнинг нуфузини оширишга қаратилган [11].

Бироқ ваколатларнинг кенгайиши икки томонлама таъсирга эга. Бир томондан, инспектор енгил ҳуқуқбузарликларга жойида тезкор чора кўриш имконига эга бўлади.

Иккинчи томондан, жазолаш функциясининг кучайиши инспекторнинг аҳоли назаридаги «маслаҳатчи ва ҳимоячи» қиёфасини сусайтириши мумкин. Шу боис жазо қўллаш ваколатини профилактик суҳбат, огоҳлантириш ва ижтимоий ёрдамга йўналтириш сингар чоралар билан мувозанада қўллаш мезонлари ички идоравий ҳужжатларда аниқ белгиланиши лозим.

3. Идоралараро ҳамкорлик. Маҳаллада фаолият кўрсатаётган масъул ходимлар – маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқ инспектори ва ижтимоий ходим («маҳалла еттилиги») – фаолиятининг уйғунлиги профилактика натижасини белгилайдиган асосий омил ҳисобланади. Амалиётда кузатилаётган асосий муаммо – маълумот алмашинувининг чекланганлигидир: оилавий низолар, ишсиз ёшлар, судланганлар ва жазони ўтаб қайтган шахслар тўғрисидаги маълумотлар турли идораларнинг алоҳида базаларида сақланади.

Иккинчи муаммо – натижадорликни баҳолаш мезонлари. Профилактика фаолиятини фақат рўйхатга олинган жиноятлар сони билан баҳолаш жиноятларни яширишга ундаш хавфини туғдиради. Шу боис расмий статистика билан бирга, аҳолининг хавфсизлик ҳисси ва ички ишлар органларига ишонч даражасини ўлчайдиган мустақил социологик сўровлар натижаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

4. Жамоатчилик иштироки. «Жамоат назорати тўғрисида»ги Қонун (2018) фуқаролар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари фаолияти устидан назоратини тартибга солади.

Маҳалла даражасида жамоатчилик тузилмалари (оқсоқоллар кенгаши, ота-оналар ва ёшлар фаоллари) профилактикада фафақат кўмакчи эмас, балки тенг ҳуқуқли шерик сифатида иштирок этганда «жамоавий самарадорлик» шаклланади. Акс ҳолда, профилактика фақат маъмурий кўрсатмалар бажарилишига айланиб қолади.

5. Аниқланган муаммолар. Таҳлил асосида қуйидаги муаммолар ажратилди:

1. Маҳалла даражасидаги профилактика субъектлари ваколатларининг қисман такрорланиши ва жавобгарликнинг «тақсимланиб кетиши».
2. Рақамли маълумот алмашинувининг ягона платформаси тўлиқ шаклланмаганлиги.
3. Натижадорликни баҳолашда сифат кўрсаткичларидан кўра миқдорий кўрсаткичларнинг устунлиги.
4. Профилактика инспектори билан аҳоли нисбатининг айрим ҳудудларда юқорилиги сабабли якка профилактиканинг сифати пасайиши.

Хулоса ва таклифлар

Маҳалла – ҳуқуқбузарликнинг сабаблари энг эрта аниқланадиган ва уларга энг кам харажат билан таъсир ўтказиш мумкин бўлган даража. ПҚ–1 ижроси доирасида еришилган натижалар манзилли ва ижтимоий йўналтирилган профилактиканинг самарадорлигини кўрсатади. Уни барқарор қилиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

1. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунга «маҳаллада манзилли профилактика» тушунчасини киритиш ва маҳалладаги ҳар бир субъектнинг профилактикадаги ваколат ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш.
2. Маҳалланинг «криминоген паспорти»ни юритишнинг ягона электрон шаклини жорий этиб, унга барча профилактика субъектларининг ваколат доирасида киришини таъминлаш.
3. Профилактика инспектори фаолиятини баҳолашда аҳолининг хавфсизлик ҳисси ва ишонч индексини мажбурий мезон сифатида жорий этиш.
4. Инспекторга берилган маъмурий ваколатлардан фойдаланишда аввало огоҳлантириш ва тарбиявий таъсир чораларини қўллаш устуворлигини белгилаш.
5. Маҳалладаги масъул ходимлар учун жамоат хавфсизлиги тармоғи олий таълим муассасалари базасида мунтазам қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш.
6. «Намунали хавфсиз кўча» тажрибасини илмий жиҳатдан умумлаштириб, аҳоли пунктларини атроф-муҳит орқали жиноятчиликнинг олдини олиш (CPTED) тамойиллари асосида лойиҳалаш стандартини ишлаб чиқиш.

Ушбу чоралар маҳалла даражасидаги профилактикани кампаниясимон тадбирлардан доимий ишлайдиган тизимга айлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 03.01.2025, ПҚ–1.

2. Айрим маҳаллаларда камида биттадан «намунали хавфсиз кўча» ташкил қилинади // Zamin.uz. – https://zamin.uz/uzbekiston/143124-ajrim-mahallalarda-kamida-bittadan-namunali-havfsiz-kocha-tashkil-qilinadi.html.
3. Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишга оид Президент қарори матни // «Халқ сўзи» (yuz.uz). – https://yuz.uz/oz/news/137150.
4. Wilson J.Q., Kelling G.L. Broken Windows: The Police and Neighborhood Safety // The Atlantic Monthly. – 1982. – March.
5. Sampson R.J., Raudenbush S.W., Earls F. Neighborhoods and Violent Crime: A Multilevel Study of Collective Efficacy // Science. – 1997. – Vol. 277.
6. Trojanowicz R., Bucqueroux B. Community Policing: A Contemporary Perspective. – Cincinnati: Anderson, 1990.
7. Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини умумий ва якка профилактика қилишга оид миллий қонунчилик ва институционал механизмларнинг амалдаги ҳолати таҳлили // Zenodo, 2026. – https://zenodo.org/records/18360007.
8. Миллий гвардия ва ИИО ходимларига жиноят даражаси оғир маҳаллалар бириктирилади // Anhor.uz. – https://anhor.uz/uz/news/millij-gvardija-va-iio-hodimlariga-zhinojat-darazhasi-o-ir-ma-allalar-biriktiriladi/.
9. Профилактика инспекторлари ортиқча вазифалардан озод этилиб, янги ваколатлар олади // Anhor.uz. – https://anhor.uz/uz/news/profilaktika-inspektorlari-orti-cha-vazifalardan-ozod-jetilib-jangi-vakolatlar-oladi/.
10. Профилактика инспекторларига қўшимча ваколатлар берилади // Anhor.uz. – https://anhor.uz/uz/news/profilaktika-inspektorlariga-qoshimcha-vakolatlar-beriladi.
11. Хизмат кўрсатган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги. – https://gov.uz/uz/iiv/sections/xizmat-korsatgan-huquqbuzarliklar-profilaktikasi-inspektori__.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни, 14.05.2014, ЎРҚ-371; «Жамоат назорати тўғрисида»ги Қонуни, 12.04.2018, ЎРҚ-474.